

**“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан «ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ.  
ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ТУШУНЧАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ» мавзусидаги  
кўргазмали маъруза таълим технологияси модели**

<b>Вақт 2 соат</b>	<b>Талабалар сони 70</b>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	Кўргазмали маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Хўжаликлараро ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни
<i>Ўқув машғулот мақсади</i>	<b>“Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни” тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш</b>
<i>Педагогик вазиятлар</i>  1. Хўжаликлараро ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни ҳақида тушунча беради.	<i>Ўқув фаолияти натижалари</i>  1. Хўжаликлараро ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни ҳақида тушунтириб берадилар.
<i>Таълим усуллари</i>	маъруза, ақлий ҳужум, мунозара
<i>Таълимни шакллантириши шакли</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим воситалари</i>	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар
<i>Таълим берииш шароити</i>	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки сўров: тезкор сўров

**“Ер түзишни лойиҳалаш” фанидан «ХҮЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ.  
ХҮЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ТУШУНЧАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ» мавзусидаги  
күргазмали маъруза технологик харитаси**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Таълим берувчи</b>	<b>Таълим олувчилар</b>
<b>1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа</b>	<b>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот күргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. Ақлий хужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова)</b>	<b>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</b>
<b>2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа</b>	<b>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади. 2.2. Мавзу режаларига хulosалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади. 2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова)</b>	<b>Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Асосий тушунчаларни муҳокама қиласилар Талабалар жавоб берадилар</b>
<b>3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа</b>	<b>3.1. Мавзу бўйича умумий хulosса қиласи. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</b>	<b>Тинглайдилар  Топшириқни ёзиб оладилар</b>

## 1 илова

1. Республика ер фонди неча гектарни ташкил қиласы?
2. Республика ер фонди нечта тоифага бўлинади?
3. Қишлоқ хўжалиги ерлари неча гектарни ташкил қиласы?
4. Ер тоифалари нима?
5. Аҳоли яшаш жойлари тоифасига қандай ерлар киритилади?
6. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга қандай ерлар киритилган?
7. Республикаизда яйлов ва пичанзорлар майдони неча гектарни ташкил қиласы?

**(2-илова)**

**МАВЗУ: ХҮЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ  
ХҮЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ТУШУНЧАСИ,  
ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ**

**Режа**

**1. Хўжаликлараро ер тузишнинг вазифалари ва  
мазмуни**

**ХАЕТни ўтказишда иккита мақсад кўзланади. Биринчи мақсад - ердан оқилона фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни ташкил этиш; иккинчиси - ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш, яъни, ҳудудда, унинг ишлаб чиқариш кучлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда - ишлаб чиқариш объектларини ва меҳнат ресурсларини жойлаштириш.**

ХАЕТни ўтказишда бажариладиган асосий вазифалар қуидагилардан иборат:

- ерда хўжалик юритишнинг барча турларини ривожлантириш учун бир хил ҳудудий шароит яратиш;
- ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг оқилона тизимини яратиш ва такомиллаштириш;
- ер тузишда белгиланган чегараларнинг жойларда ўтказилишининг асослан-ганлигини, аниқлигини ва даҳлсизлигини таъминлаш;
- к/х ишлаб чиқаришини оқилона ташкил этиш учун ҳудудий шароит яратиш;
- ерлардан фойдаланиш тартибини ва шартларини, мулк қилиб, эгалик қилиш учун, фойдаланишга берилган ер участкаларига тўловлар ва сервитутларни белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ер солиғи ва ҳақини белгилаш, ерларни олишдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг зарарини қоплаш учун маълумотлар тайёрлаш;
- ерларни яхшилаш ва тиклашга, уларнинг унумдорлигини оширишга, эрозиядан ҳимоя қилишга, рекультивациялашга ҳамда унумдорлигини тиклашнинг иложи йўқ ерларни консервациялашга қаратилган тадбирларни ишлаш;
- ерларни мелиорациялашнинг йўналишларини ва келажагини асослаш.

ХАЕТ оқилона ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларни шакллантириш-нинг, фуқароларга, фермер хўжаликларига, к/х корхоналарига ер ажратишнинг, ери ижарага беришнинг асосий механизми ҳисобланади. У қишлоқ ва халқ хўжалиги учун нафақат ерларни тақсимлаш, балки маҳсулдор ер турларини сарфлаш масалаларини ечиш учун ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга.

ХАЕТ мураккаб ва ҳар хил тадбирлар тизимини ва ер тузиш ишлари турларини ўзида мужассамлайди. У ҳар хил тавсифга, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тартибиға эга барча тоифалардаги ерларда ўтказилади.

Халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида ердан ҳар хил мақсадларда фойдаланилади. Масалан, қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланилса, бошқа тармоқларда у ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун зарурый шарт, яъни, замин сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ҳам, ҳар хил тармоқлар учун ажратиладиган ерлар таркиби ҳам ҳар хил бўлиши керак. К/ҳги учун энг унумдор тупрокли ерлар, бошқа тармоқлар учун эса унумдорлиги паст бўлган ерлар ажратилиши керак.

ХАЕТ икки турга бўлинади:

қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш;

ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва ўзгартириш.

Ер тузиш амалиётида бу бўлиниш принципial ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга:

к/х ва ноқишлоқ хўжалик ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлари таркибига сифати бўйича ҳар хил ерлар киритилиши керак.

К/х учун унумдорликка эга ерлар талаб этилади, бошқа тармоқлар учун унумдорлик талаб этилмайди, шунинг учун уларда унумдор ерлардан фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги керак.

ХАЕТга республикамиз «Ер кодекси»да кўрсатилган қуидаги ер тузиш ишлари киради:

- жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, шаҳарлар, туманлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш;
- ерларнинг жойлашувидағи нокулайликларни бартараф этган ҳолда, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар нинг янги ер участкаларини ташкил этиш, ҳамда мавжуд ер участкаларини тартибга солиш лойиҳаларини тузиш;
- янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари, ҳамда ташкилотларига ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;
- корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ерларни ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;
- ер участкаларини натурада (жойнинг ўзида) ажратиб бериш, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш хуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш;
- янги ерларни ўзлаштириш, к/х ерларини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан селлардан, кўчкilarдан, сув босишидан, захлашдан, қакраб қолишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, радиоактив ва кимёвий моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш бўйича ишчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- барча ерларни рўйхатга олиш, ҳамда фойдаланилмаётган, самарасиз фойдаланилаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни доимий аниқлаб бориш;
- ерларни ресурс жиҳатдан баҳолаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан ер тузиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- ерларни баҳолаш тадбирларини ўтказиш.

Бу ишларнинг ҳар бирига ер тузиш лойихасининг маълум типи, улардан айримлариға эса (масалан, ноқишлоқ хўжалик мақсадларидағи ердан фойдаланишларни ташкил этишга) - жойлаштирилаётган обьектнинг тавсифига боғлиқ ҳолда, ҳар хил мазмунли қатор лойиҳалар мос келади.

Хўжаликлараро ер тузиш ердан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни маълум ишларни бажариш йўли билан ташкил этади. Бундай ишларнинг бир қисмига «чегаралаш» атамасини ҳам қўллаш мумкин.

**Чегаралаш** - бу ягона давлат тизими бўйича чегараларни белгилаш (тиклаш, жойларда ўзгартириш, техник ва ҳуқуқий расмийлаштириш) ва маъмурий - ҳудудий тузилмаларнинг ва бошқа обьектларнинг майдонларини аниқлаш бўйича ер тузиш ишларидир. У фактат обьект чегаралариға тааллукли бўлиб, унинг ҳудудининг ички тузилиши билан боғлиқ эмас.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда хўжаликлараро ер тузишда ерларнинг мўлжалланган мақсади, тоифалари, объектнинг ер майдонлари билан таъминланиши, уни кўрилаётган ҳудудда жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги белгиланади. Шу билан бирга, ер билан боғлиқ бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳам жойлаштирилади, яъни, ерда у билан бирга фаолият кўрсатадиган ишлаб чиқариш воситаларини ҳудудий ташкил этиш амалга оширилади.

Ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларни тўғри шакллантириш ва жойлаштириш айниқса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, унинг самарадорлигига, ҳудудни ички ташкил этишга, ресурсларни ва атроф мухитни муҳофаза қилишга катта таъсир кўрсатади.

ХАЕТ объектлари корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ер фондлари ва бошқа ерларини тузиш зарур бўлган объектлар: хўжаликлар, хўжаликлар групҳлари (корхоналар, бирлашмалари, маъмурий туманлар, аҳоли яшаш жойлари, ўзлаштириладиган ҳудудлар) ҳисобланади.

К/х ва ноқишлоқ хўжалик ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларида барча вазиятларда хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасининг умумий мазмунни қуидаги асосий масалаларни ишлашдан иборат бўлади: объект тагидаги ер участкаси майдонини аниклаш; участкани ҳудудда жойлаштириш; участка таркибига ер турларининг зарур майдонларини киритиш; участкага мақсадга мувофиқ шакл бериш; участка чегараларини жойлаштириш.